



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY TAЪLIM,  
FAN VA INNOVACIYALAR VAZIRLIGI**

**ЎЗБЕКИСТОН TAЪLIM VA FAN XODIMLARI KASABA UYUSHMASI  
RESPUBLIKA KENGASHINING  
QARORI**

**“Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишувини тузиш тўғрисида”ги қарорига қўшимча киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги “Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги меъёрларини белгилаш чоратадбирлари тўғрисида” 263-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши қарор қилади:


1. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг 2023 йил 22 февралдаги 1-к/қ, 9-8-“с”-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишуви”(кейинги ўринларда - келишув)нинг 65-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган “Педагог ходимлар учун йиллик узайтирилган меҳнат таътили давомийлиги меъёрлари”га мувофиқ, тизимдаги педагог ходимлар учун узайтирилган йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Вазирлик тизимидаги бошқа ходимлар учун ҳар йилги асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллار давомийлиги иловадаги жадвалга мувофиқ тасдиқлансин”.


2. Вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар учун ҳар йилги асосий узайтирилган ва қўшимча таътиллار давомийлиги мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ ўзгартирилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамиз.



Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни  
кискартириш ва бандлик вазирлигидан  
рўйхатдан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар  
вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба  
уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар  
учун тузилган тармок жамоа келишувига илова



### Вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар учун хар йилги асосий узайтирилган ва кўшимча таътиллار давомийлиги

T/P	Лавозимлар категориялари	Асосий таътил кунлари (МК, 217- модда)	Кўшимча таътил кунлари (МК, 219-модда)	Тармок ёки ташкилотларда кўп йиллик иш стажы учун хар беш йил учун 2 кундан 8 кунгача (МК, 220-модда)	12 ёшга тўлмаган болалар ёки 16 ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлганларнинг ота онадан бирига (МК, 401-модда)
1	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари	27	3	2-8	4
2	Маъмурий-бошқарув ходимлари	21	9	2-8	4
3	Ўқув-ёрдамчи ходимлар	21	9	2-8	4
4	Техник ходимлар	21	3	2-8	4
5	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	21	3	2-8	4
6	Касаба уюшма кўмитаси раиси	21	9	2-8	4





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI**  
MINISTRY OF EMPLOYMENT AND POVERTY REDUCTION  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
100047, Toshkent shahar, Istiqlol ko‘chasi, 51-uy Tel: (+998 71) 203-01-54  
www.mehnat.uz, e-mail: info@mehnat.uz, bandlik@exat.uz

2023-yil 20-iyul

01/00-04/14-6467-son

**O‘zbekiston ta’lim va fan  
xodimlari kasaba uyushmasi  
Respublika Kengashiga**

O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi 2023-yil 17-iyuldagi RB-5/156-sonli xatga javoban quyidagilarni ma’lum qiladi.

“O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda O‘zbekiston ta’lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi 2023-2025-yillar uchun tarmoq jamoa kelishuvini tuzish to‘g‘risida”gi qaroriga qo‘shimcha kiritish to‘g‘risidagi qarori O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 88-moddasiga asosan B-131 son bilan ro‘yxatidan o‘tkazildi.

Vazir o‘rinbosari



E.Muxitdinov